

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТИЛЛАЕВА ШОХИСТА ОЛИМЖОН КИЗИ

ЯККА КУРАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЎСМИР ЁШДАГИ Ўғил
БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ ВА САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тиллаева Шохиста Олимжон қизи

Якка кураш билан шуғулланувчи ўсмир

ёшдаги ўғил болаларнинг овқатланиш

ва саломатлик ҳолатини комплекс баҳолаш..... 3

Тиллаева Шохиста Олимжон қизи

Комплексная оценка питания и состояния

здоровья мальчиков-подростков,

занимающихся единоборством 23

Tillaeva Shokhista Olimjon kizi

Comprehensive assessment of the nutrition

and health status of adolescent boys engaged in martial arts..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТИЛЛАЕВА ШОХИСТА ОЛИМЖОН КИЗИ

ЯККА КУРАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЎСМИР ЁШДАГИ Ўғил
БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ ВА САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИНИ
КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib2091 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санитария, гигиена ва касб-касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Роза Толановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мадаминава Матлюбахон Ахметовна
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тожикистон профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот институти (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил « ____ » _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ кун тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 1,8 миллиард нафар аҳоли орасида жисмоний фаоллик етишмаслиги тенденцияси кузатилмоқда, шуларнинг 81% ни 11 дан 17 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, уларнинг 77,6% ўғил болалардир. Бу эса болаларнинг кўпчилиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсияларига амал қилмаётганини кўрсатади, «...яъни жисмоний фаоллик ҳафтасига камида 2,5 соатни ташкил этиши лозим...»¹. Болалар орасида энг кенг тарқалган спорт турларидан бири — якка кураш бўлиб, у билан шуғулланиш мушак кучини ва чидамлилиқни шакллантиради, ҳаракатларни мувофиқлаштиришни яхшилайти, иммунитетни мустаҳкамлайди ҳамда семириш даражасини камайтиради. Нораціонал овқатланиш ва организмнинг физиологик эҳтиёжларини қондириш учун энергия ва озуқа моддаларининг етарли даражада таъминланмаслиги метаболик касалликларга, жинсий ва жисмоний ривожланишнинг кечикишига ва сурункали касалликлар хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Бу, айниқса, жисмоний фаолликнинг ортиши уларнинг овқатланишини, мушак ва ёғ массасини, қон айланиш ва нафас олиш тизимларини махсус мониторинг қилишни талаб қиладиган ўғил бола спортчилар учун жуда муҳимдир. Шунинг учун, якка кураш билан мунтазам шуғулланадиган ўсмир ёшдаги ўғил болаларнинг овқатланишини оптималлаштириш, жисмоний ва биологик ривожланишини мониторингига қаратилган илмий жиҳатдан асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда мактаб ёшидаги спорт билан шуғулланувчи болаларнинг машғулотлар гигиенаси ва амалий овқатланишини такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада спорт билан шуғулланувчи ва шуғулланмайдиган болаларнинг саломатлик ҳолати кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш, болаларнинг жисмоний ривожланиши, жинсий етилиши, нафас олиш, қон айланиш ва ҳаракат-мушак тизимларининг функционал имкониятлари каби жиҳатларини аниқлаш, яккакураш спорт турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларнинг машғулот меъёрлари ва оқилона овқатланишини ташкил этишнинг гигиеник қоидаларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, ўсиб келаётган авлоднинг соғлом овқатланишини таъминлаш, ўсиш ва ривожланиш учун қулай муҳит яратиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/physical-activity>

мувофик «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мактаб ёшидаги болаларнинг саломатлик кўрсаткичларига яккакураш машғулотлари ва овқатланиш хусусиятларининг таъсирини баҳолаш асосида овқатланиш тартиби ва жисмоний фаолликни оптималлаштириш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон «Соғлом турмуш тарзини кенг жорий этиш ва оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 4 ноябрдаги ПФ-4881-сон «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланиш билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар томонидан турли даражадаги ҳаракат фаоллигига эга болаларнинг жисмоний ривожланиши, жинсий етишиши ва касаллик ҳолатлари кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ўтказилган (Piskin I.E. et al., 2018; Gamero-del Castillo D. et al., 2020; Leppanen M.H. et al., 2022). Якка курашнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи ўқувчилар ва спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларининг овқатланиш хусусиятлари аниқланган (Malina M. et al., 2016; Marcus N. et al., 2016; Januszko P. et al., 2021; Kontele I. et al., 2021; Lakicevic N. et al., 2022), ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жинсий балоғатга етишига овқатланиш одатлари ва тартибининг таъсири исботланган (Thomas D.T et al., 2016; Bar-Or B., 2017; Pelley F. et al., 2018; Geilis J.B. et al., 2019; Rolland-Cachera R., 2020), ўсиб келаётган организмнинг функционал имкониятлари билан биоимпедансометрия кўрсаткичлари ҳамда машғулотлар давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган (Demirel N. et al., 2017; Matiegka M., 2018; Di Vincenzo O. et al., 2019; Cirillo E. et al., 2023). МДХ мамлакатларидаги олимлар томонидан спорт мактабларида машғулот жараёнининг интенсивлигини ўрганиш ва болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқлигини таҳлил қилишга бағишланган илмий ишлар олиб борилган

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

(Сейтхалилов А.Э., 2018; Кучма В.Р. ва бошқ., 2019; Исаков И.А., 2024), якка курашчиларнинг овқатланиш хусусиятлари, овқатланиш одатлари ва тартиби тузилиши спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошлари билан солиштирилганда аниқланган ўзига хосликлар (Айкут А. ва бошқ., 2020; Сафронова А.И., 2021; Мутталип А. ва бошқ., 2025), якка курашчиларнинг жисмоний ва жинсий ривожланиши, шу жумладан поллюция хусусиятлари ўрганилган (Исмаил Е. ва бошқ., 2018; Курсат К. ва бошқ., 2023), биоимпедансометрия кўрсаткичлари ва организмнинг функционал ҳолати машғулот юкламаси даражасига боғлиқлиги аниқланган (Гурьева А.Б., 2019; Сидоров В.А. ва бошқ., 2022).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан ёш спортчиларнинг ўсиши, жисмоний фаоллигини ва спорт фаоллигига мос рационал овқатланишини баҳолаш (Шайхова Г.И. ва бошқ., 2018; Эрматов Н.Ж., 2017; Саломова Ф.И., 2020; 2021), курашнинг турлари билан шуғулланувчи спортчиларни ўрганиш (Тухтаров Б.Э., 2021; 2023), ўқувчиларнинг жисмоний ва функционал ривожланиши солиштириш (Камилова Р.Т. ва бошқ., 2017; Исакова Л.И., 2018), шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг жисмоний ва жинсий ривожланишида фарқлар мавжудлиги исботлаш (Камилова Р.Т., Ниязова Г.Т., 2016). спорт фаоллиги хусусиятига мос рационал овқатланишнинг ёш спортчиларнинг соғлиғини шакллантириш ва уларнинг адаптациясидаги ролини аниқлаш (Мавлянова З.Ф., 2020; Шайхова Г.И. ва бошқ., 2022; Камилова Р.Т., Тиллаева Ш.О., 2022) бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, машғулотлар режими, уларнинг интенсивлиги ва стажи, яшаш шароитлари ва турмуш тарзи каби омиллар комплексининг якка кураш билан шуғулланувчи ўсмирларнинг соғлиги ва ривожланишига таъсири ҳақида тўлиқ тасаввур мавжуд эмас. Юқоридагилар барчаси якка кураш билан шуғулланувчи ўғил болалар ва спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларининг биоимпедансометрия параметрлари билан овқатланиш характерлари, овқатланиш одатлари ва таъм афзалликлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Мактаб ёшидаги болаларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини комплекс баҳолаш, овқатланиш ва жисмоний тарбияни ташкил этишнинг физиологик-гигиеник тамойилларини ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ёндашувларини илмий асослаш, ҳамда ўқитишнинг ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш» (2021-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиши, жинсий етишиши ва функционал ҳолати, овқатланиш тартиби ва овқатланиш одатларини ўрганиш асосида ўқувчиларнинг овқатланишини ва ҳаракат фаоллигини оптималлаштиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

якка кураш билан шуғулланувчи ва спорт билан шуғулланмайдиган ўғил болаларнинг жисмоний ривожланишининг асосий ва қўшимча кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш;

асосий ва назорат гуруҳларининг ўқувчиларидаги физиометрик ва соматоскопик кўрсаткичларини қиёсий таҳлилни ўтказиш;

ўрганилган контингентнинг жинсий балоғатга етишини бирламчи ва иккиламчи жинсий белгилари ривожланиши бўйича тавсифлаш;

якка кураш билан шуғулланувчи ўғил болалар ва спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларининг асосий соғлом овқатланиш тамойиллари бўйича билимлари ва уларга амал қилиш даражасини баҳолаш ҳамда биоимпедансометрия параметрлари билан овқатланиш тартиби, овқатланиш одатлари ва таъм афзалликлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

ўғил болаларнинг соғлиқ ҳолати, яшаш шароитлари ва турмуш тарзини ўрганиш асосида уларнинг овқатланишини ва ҳаракат фаоллигини оптималлаштиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳарининг 9 та туманида жойлашган 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 5 та умумтаълим мактаблари, 10 дан 17 ёшгача бўлган 1965 нафар, жумладан, 1001 нафари якка кураш билан шуғулланадиган, 964 нафари эса спорт билан шуғулланмайдиган ўғил болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини асосий ва қўшимча соматометрик кўрсаткичлар бўйича ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиш даражаси, бирламчи ва иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши ҳамда поллюция бошланиш ёшига кура жинсий вояга етиш хусусиятлари, нафас олиш ва ҳаракат-мушак тизимларининг функционал ҳолати, шунингдек, ҳаракат фаоллиги даражаси турлича бўлган ўрта ва катта мактаб ёшидаги ўғил болаларнинг овқатланиш ҳолати ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун соматометрик, соматоскопик, физиометрик, ижтимоий-гигиеник, таҳлилий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

10-17 ёшли якка кураш турлари билан мунтазам шуғулланадиган ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиш параметрларининг (узунлик, диаметрал ва айлана кўрсаткичлари, умуртқа поғонаси эгилиш бурчаклари, кўкрак қафаси экскурсияси ва елка мушаклари ривожланиши) ўсиш суръатлари аниқланиб, мунтазам машғулотлар ишончли тарзда ($P < 0,05-0,001$) уйғун жисмоний ривожланган болалар сонининг кўпайишига олиб келиши ва соматометрик параметрларнинг боланинг ёшига мувофиқлигини мониторинг тизимини такомиллаштиришга имкон бериши исботланган;

узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) якка кураш машғулотларининг нафас олиш ва таянч-ҳаракат тизимларининг функционал имкониятларини оширишга олиб келиши ($P < 0,05-0,001$), шу билан бирга, таянч-ҳаракат тизими бузилишлари бўлган болалар сонининг икки баравар кўпайишини аниқлаш асосида бокс ва турли хил якка кураш машғулотлар режимини гигиеник меъёрлаш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган;

якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда бирламчи ва иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш кетма-кетлиги аниқланган ва уларнинг балоғатга етиш давридаги ривожланиши спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларига нисбатан тезлашган суръатларда кечиши кўрсатилиб, биологик ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари ва балоғатга етиш белгилари кечиккан ёки бузилган ўғил болаларнинг хавф гуруҳлари аниқланган;

якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларнинг спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларига нисбатан соғломроқ овқатланиш одатларига эга эканлиги, яъни мушак массасининг ортишига ва ёғ тўпланишининг камайишига таъсир кўрсатадиган маҳсулотларни истеъмол қилишлари аниқланиб, кунлик энергия ва асосий озуқа моддаларига бўлган эҳтиёж ҳамда ўқувчи-спортчилар учун оптимал озиқ-овқат маҳсулоти тўплamlари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишидаги оғишларни - яъни ўсишдан орқада қолиш, тана вазнининг етишмаслиги ёки ортиқча тана вазни ва семириш ҳолатларини - аниқлаш мақсадида ёшга нисбатан бўй ўсишини ҳамда бўйга нисбатан тананинг оғирлигини баҳолаш учун центиль жадваллар ишлаб чиқилган;

ўғил болаларда жинсий балоғатга етишнинг бошланиш, ўрта ва тугалланиш давлари, шунингдек, бирламчи ва иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш кетма-кетлиги аниқланган;

бокс ва турли хил якка кураш турлари (кураш, миллий кураш, турон кураш, эркин кураш, грек-рим кураши, дзюдо, карате, муай-тай, таэквондо, ушу, самбо, қўл жанги) билан тизимли шуғулланишни бошлаш учун тавсия этилган ёш меъёрлари ишлаб чиқилган;

якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўқувчи-спортчилар учун суткалик энергия ва асосий озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжнинг тавсия этилган меъёрлари, ўртача суткалик озиқ-овқат маҳсулоти тўплamlари ҳамда овқатланиш тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, спорт ва умумтаълим мактабларининг сони етарли танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бир-бирини тўлдирувчи соматометрик, соматоскопик, физиометрик, ижтимоий-гигиеник ва статистик усуллардан фойдаланганлиги, олинган натижалар халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда жисмоний ривожланиш, жинсий балоғатга етиш ва функционал имкониятларнинг пасайиши билан боғлиқ ҳолда машғулотларнинг гигиеник нормаларидан ортиқча юкланиш ҳамда соғлом овқатланишнинг асосий қоидаларига риоя этмаслик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларни аниқлашга имкон берган, шунингдек, якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болалар учун суткалик энергия ва асосий озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжнинг илмий жиҳатдан асосланган нормалари, оптимал суткалик озиқ-овқат маҳсулоти тўпламлари ҳамда овқатланиш тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Якка кураш билан шуғулланувчи ўсмир ёшдаги ўғил болаларнинг овқатланиш ва саломатлик ҳолатини комплекс баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: 10-17 ёшли якка кураш турлари билан мунтазам шуғулланадиган ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиш параметрларнинг (узунлик, диаметрал ва айлана кўрсаткичлари, умуртқа поғонаси эгилиш бурчаклари, кўкрак қафаси экскурсияси ва елка мушаклари ривожланиши) ўсиш суръатлари аниқланиб, мунтазам машғулотлар ишончли тарзда ($P < 0,05-0,001$) уйғун жисмоний ривожланган болалар сонининг кўпайишига олиб келиши ва соматометрик параметрларнинг боланинг ёшига мувофиқлигини мониторинг тизимини такомиллаштиришга имкон бериши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 24 январда 8н-р/115-сон билан тасдиқланган «7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланишини центиль усули билан баҳолаш тартиби» номли услубий тавсиялар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 25.01.2024 йилдаги 7-сон, Сурхандарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 08.06.2023 йилдаги 80-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 18.10.2024 йилдаги 260-сон ҳамда Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 8 ноябрдаги 1166-14-205-ТВ/2023-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишдаги оғишларни барвақт аниқлаш бўйича профилактик тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, ҳаракат фаоллиги даражаси ҳамда озиқланишни оптималлаштириш, шунингдек, суткалик энергия ва асосий озуқа моддаларга бўлган эҳтиёж нормаларини такомиллаштириш натижасида болалар соғлиги ҳолатини мониторинг қилиш сифатини ошириш ҳамда якка

кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш имкони яратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* болаларни стационар шароитда даволаш учун сарфланадиган 85000–100000 сўм бюджет маблағлари (бир курс даволаниш учун 595000–700000 сўм сарфланади) клиник-лаборатор таҳлиллар ва тор ихтисослик мутахассислари кўригидан ўтказиш заруратини камайтириш, шунингдек, ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) якка кураш машғулотларининг нафас олиш ва таянч-ҳаракат тизимларининг функционал имкониятларини оширишга олиб келиши ($P < 0,05–0,001$), шу билан бирга, таянч-ҳаракат тизими бузилишлари бўлган шахслар сонининг икки баравар кўпайиши аниқлаш асосида бокс ва турли хил кураш машғулотлар режимини гигиеник меъёрлаш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 24 январда 8н-р/115-сон билан тасдиқланган «7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланишини центиль усули билан баҳолаш тартиби» номли услубий тавсиялар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 25.01.2024 йилдаги 7-сон, Сурхандарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 08.06.2023 йилдаги 80-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 18.10.2024 йилдаги 260-сон ҳамда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 8 ноябрдаги 1166-14-205-ТВ/2023-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишдаги оғишларни барвақт аниқлаш бўйича профилактик тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, ҳаракат фаоллиги даражаси ҳамда озиқланишни оптималлаштириш, шунингдек, суткалик энергия ва асосий озуқа моддаларга бўлган эҳтиёж нормаларини такомиллаштириш натижасида болалар соғлиги ҳолатини мониторинг қилиш сифатини ошириш ҳамда якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш имкони яратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* болаларни стационар шароитда даволаш учун сарфланадиган 85000–100000 сўм бюджет маблағлари (бир курс даволаниш учун 595000–700000 сўм сарфланади) клиник-лаборатор таҳлиллар ва тор ихтисослик мутахассислари кўригидан ўтказиш заруратини камайтириш, шунингдек, ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда бирламчи ва иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш кетма-кетлиги аниқланган ва уларнинг балоғатга етиш давридаги ривожланиши спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларига нисбатан тезлашган

суръатларда кечиши кўрсатилиб, биологик ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари ва балоғатга етиш белгилари кечиккан ёки бузилган ўғил болаларнинг хавф гуруҳлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 24 январда 8н-р/115-сон билан тасдиқланган «7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланишини сенти центиль ль усули билан баҳолаш тартиби» номли услубий тавсиялар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 25.01.2024 йилдаги 7-сон, Сурхандарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 08.06.2023 йилдаги 80-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 18.10.2024 йилдаги 260-сон ҳамда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 8 ноябрдаги 1166-14-205-ТВ/2023-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишдаги оғишларни барвақт аниқлаш бўйича профилактик тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, ҳаракат фаоллиги даражаси ҳамда озикланишни оптималлаштириш, шунингдек, суткалик энергия ва асосий озуқа моддаларга бўлган эҳтиёж нормаларини такомиллаштириш натижасида болалар соғлиги ҳолатини мониторинг қилиш сифатини ошириш ҳамда якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш имкони яратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* болаларни стационар шароитда даволаш учун сарфланадиган 85000–100000 сўм бюджет маблағлари (бир курс даволаниш учун 595000–700000 сўм сарфланади) клиник-лаборатор таҳлиллар ва тор ихтисослик мутахассислари кўригидан ўтказиш заруратини камайтириш, шунингдек, ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: яккакурашчи ўғил болалар спорт билан шуғулланмайдиган тенгдошларига нисбатан соғломроқ овқатланиш одатларига эга эканлиги, яъни мушак массасининг ортишига ва ёғ тўпланишининг камайишига таъсир кўрсатадиган маҳсулотларни истеъмол қилишлари аниқланиб, кунлик энергия ва асосий озуқа моддаларига бўлган эҳтиёж ҳамда талаба-спортчилар учун оптимал озик-овқат пакетлари ишлаб чиқилганлигига бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 24 январда 8н-р/115-сон билан тасдиқланган «7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланишини центиль усули билан баҳолаш тартиби» номли услубий тавсиялар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўйича 25.01.2024 йилдаги 7-сон, Сурхандарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича

08.06.2023 йилдаги 80-Т-сон, Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 18.10.2024 йилдаги 260-сон ҳамда Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 8 ноябрдаги 1166-14-205-ТВ/2023-сон буйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишдаги оғишларни барвақт аниқлаш бўйича профилактик тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, ҳаракат фаоллиги даражаси ҳамда озиқланишни оптималлаштириш, шунингдек, суткалик энергия ва асосий озуқа моддаларга бўлган эҳтиёж нормаларини такомиллаштириш натижасида болалар соғлиги ҳолатини мониторинг қилиш сифатини ошириш ҳамда якка кураш турлари билан шуғулланувчи ўғил болаларда ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш имкони яратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* болаларни стационар шароитда даволаш учун сарфланадиган 85000–100000 сўм бюджет маблағлари (бир курс даволаниш учун 595000–700000 сўм сарфланади) клиник-лаборатор таҳлиллар ва тор ихтисослик мутахассислари кўригидан ўтказиш заруратини камайтириш, шунингдек, ўсиш ва ривожланишдаги бузилишларнинг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги кўрсатилган ва илмий тадқиқот ўтказиш зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объеклари ва предмети тақдим этилган, диссертация мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги акс эттирилган, илмий янгилик, амалий натижалар ва уларнинг жорий этилиши тақдим этилган, нашр этилган ишлар сони тўғрисида маълумотлар берилган, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг «**Спорт машғулоти ва овқатланиш - болалар саломатлигини шакллантириш ва мунтазам жисмоний юкламаларга мослашишнинг фаол омиллари**» деб номланган биринчи боби ўсмир ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиши, функционал ҳолати ва биологик

етилишига ҳаракат фаоллиги даражаси ва турли спорт турлари билан шуғулланишнинг таъсирини баҳолаш, овқатланишнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларига, шунингдек, болалар организмнинг мунтазам спорт машғулотларига мослашишига кўрсатадиган таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектлари, ҳажми ва усуллари» деб номланган иккинчи боби қуйидагиларни: тадқиқот объектлари ва ҳажмининг тавсифи, соматометрия, соматоскопия ва физиометрия услубларининг баёни, спорт фаоллигини аниқлаш, овқатланиш тартиби, овқатланиш одатлари, соғлом овқатланиш тамойиллари бўйича билим даражаси ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш частотасини аниқлаш усуллари, шунингдек, тадқиқот материалларини статистик таҳлил қилиш усуллари ўз ичига олган.

Тадқиқот иши 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган 1965 нафар ўғил болалар ўртасида ўтказилган. Барча текширилган болалар 2 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ (асосий) - Тошкент шаҳрининг 9 та туманида жойлашган 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида (БЎСМ) яққакураш билан шуғулланувчи ўқувчи-спортчилар; 2-гуруҳ (назорат) - 4 та туманда жойлашган 5 та умумтаълим мактабларида таълим олаётган болалар ўртасида ўтказилган. Асосий ва назорат гуруҳларидаги ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиш даражаси, жинсий етилиш даражаси ва функционал имкониятларини баҳолаш учун соматометрия, соматоскопия ва физиометрия усулларидан фойдаланилган. Соматометрия ўз ичига 12 та узунлик, 8 та диаметр, 9 та айланма кўрсаткичларни, умуртқа поғонасининг 2 та физиологик эгрилигини, ҳамда 3 та ёғ бурмаларининг (кўкрак, қорин ва орқа) қалинлигини қамраб олган. Узунлик кўрсаткичлари - тик турган ва ўтирган ҳолатдаги бўй узунлиги, гавда узунлиги, қўл узунлиги (жумладан, елка, билак ва кафт), оёқ узунлиги (жумладан, сон ва болдир). Тана узунлик кўрсаткичларини ўлчаш бўй ўлчагич, Мартин антропометри ва сирғалувчи циркуль ёрдамида амалга оширилган. Оёқ кафтининг узунлиги F-Scan Lite русумли сенсорли плантограф ёрдамида аниқланган. Диаметр кўрсаткичлар - бош ва кўкракнинг кўндаланг ва бўйлама диаметрлари, елка ва чанок суягининг диаметрлари, сон-чанок диаметри, жинсий аъзоларнинг диаметри қалинлик махсус ва электрон сирғалувчи циркуль ёрдамида ўлчанган. Айлана кўрсаткичларидан бош, кўкрак кафаси (тинч ҳолатда, максимал нафас олганда ва максимал нафас чиқарганда), қорин, елка (тинч ҳолатда ва зўриқишда), сон ва болдир айланаларини ўз ичига олган бўлиб, улар сантиметрли лента ёрдамида ўлчанган. Ёғ бурмаларининг қалинлиги электрон сирғалувчи циркуль ёрдамида, умуртқа поғонасининг физиологик эгрилигининг чуқурлиги эса З.Ковалькова усули бўйича бўй ўлчагич ва сантиметрли чизғич ёрдамида аниқланган. Тана вазнини ўлчаш ва танадаги ёғ, суяк ҳамда мушак компонентларининг фоиз миқдорини аниқлаш I30 серияли Медиана биоимпедансометри ёрдамида амалга оширилган. Ушбу тадқиқот ишида ўғил болаларнинг тана вазни, бўй ва ёш кўрсаткичларига асосланган антропометрик параметрларни баҳолаш қуйидаги миқдорларни ҳисоблаш орқали амалга оширилди: тана вазнининг ёшга нисбати (Weight-for-Age Z-score, WAZ), бўйнинг ёшга нисбати (Height-for-Age Z-score, HAZ), тана вазни индексининг (ТВИ) ёшга нисбати (BMI-for-Age Z-score, BAZ).

Услубий кўрсатмаларга мувофиқ, олинган қийматларни таҳлил қилиш Тошкент шаҳри болалари учун ишлаб чиқилган мезонлар асосида олиб борилган (Камилова Р.Т. ва бошқ., 2018). Физиометрия усули орқали организмнинг нафас олиш ва таянч-ҳаракат тизимларининг функционал кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган. Ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) BTL-08 Spiro PRO турдаги спирометр ёрдамида ўлчанган. Ўғил болаларнинг ёшига қараб, етакчи қўл кафтининг мушак кучи ва чидамлилиги РД-10, РД-30, РД-90 ёки РД-120 русумдаги қўл динамометрлари билан, бел мушакларининг кучи эса СД-200 ёки СД-500 динамометрлари ёрдамида ўлчанган. Соматоскопик кўрсаткичлар кўкрак қафаси, оёқ ва оёқ кафти шакллари, шунингдек, тери ости ёғ қаватининг ривожланиш ҳолатини кўздан кечириш усули билан аниқланган. Кўкрак қафаси шакли «нормал», «товуқ кўкраги», «этикдўз кўкраги» ва «тасбеҳсимон» кўринишида тавсифланган. Қорин бўшлиғи соҳасини баҳолашда унинг шаклига эътибор берилган - текис, бўртган ёки ботик. Оёқ шакли «нормал», «О-симон» ёки «Х-симон», оёқ кафтлари эса нормал ёки ясси товонли (I, II ёки III даражали) деб қайд этилган. Ёғ тўқимасининг шаклланиш даражаси эса ўртача, кам ва кўп деб белгиланган. Ўғил болаларнинг жинсий ривожланиш даражаси Таннер шкаласи бўйича Pubis (P), Axillaris (Ax), Vois (V), Laringis (La), Facialis (Fa) кўрсаткичлари баҳоланган. P – қов соҳасидаги тукларнинг ривожланиши; Ax - қўлтик остидаги тукларнинг ўсиши; V - овознинг ўзгариши; La - laringis нинг ривожланиши; Fa - юзда соч-соқолнинг пайдо бўлиши. Қўшимча кўрсаткичларга мойакнинг (ёрғоқнинг) ўсиш суръати ва ўзгаришлари, гинекомастия (ўғил болаларда кўкрак безларининг катталашиши), жинсий аъзонинг ўлчамлари (диаметри ва узунлиги), поллюцияларнинг бўлиши ёки йўқлиги ҳамда уларнинг хусусиятлари киради.

Спорт фаоллиги, овқатланиш тартиби, овқатланиш хулқ-атвори, соғлом овқатланиш тамойиллари ҳақидаги билим даражаси ва асосий маҳсулотларни истеъмол қилиш частотасини ўрганиш мақсадида 6 бўлим ва 45 та саволдан иборат махсус сўровнома ишлаб чиқилган. Ҳар бир саволда бир нечта жавоб вариантлари, шу жумладан «билмайман/жавоб беришга қийналаман» варианты ҳам мавжуд. Яккакураш турли хил турлари билан шуғулланувчи ўғил болалар учун энергия ва асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган суткалик эҳтиёж миқдорларини аниқлаш учун ҳисоблаш усулидан фойдаланилди. Ўқувчи-спортчилар томонидан бир ҳафта давомида истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори «Спорт таълим муассасалари ўқувчи-спортчиларининг овқатланишига қўйиладиган гигиеник талаблар» номли санитария қоидалари ва гигиена нормативлари билан солиштирилиб ўрганилди (СанҚваН №0052-23).

Ўлчаш, тавсифлаш ва сўровнома орқали олинган барча маълумотлар сўровномалар ва карталарда келтирилган ва дастлабки апробациядан ўтказилиб, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашида маъқулланган (23.02.2021 йилдаги 2-сонли баённома). Илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бош бошқармасидан (01.05.2021 йилдаги 03-08-08-413-сон) ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасидан (30.10.2021 йилдаги 06-06/1-1417-сон) рухсат олинган. Танлаб олинган ўғил болаларнинг

ихтиёрий розилиги асосида антропометрик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказилди, натижаларнинг махфийлигини таъминлаш чораларини кўрилган.

Олинган маълумотлар Microsoft Office ва Microsoft Excel 2016, Statistica 10.0 for Windows дастурлари ёрдамида ўтказилган математик таҳлил асосида статистик ишловдан ўтказилган. Ўртача арифметик қиймат (M), стандарт оғиш ($\pm\delta$; $\pm SD$), ва ўртача арифметик қийматнинг хатоси ($\pm m$) ҳисобланган. Ўртача қийматларни Стъюдент (t) мезонини ҳисоблаш билан қиёсий баҳолаш амалга оширилган. Маълумотларнинг фарқланиш даражасини аниқлаш учун $P \leq 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинган.

Диссертациянинг **«Яккакураш билан шуғулланувчи ва спорт билан шуғулланмайдиган ўғил болаларнинг жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатини қиёсий баҳолаш»** номли учинчи боби турли даражадаги жисмоний фаолликка эга бўлган 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил болаларнинг асосий ва қўшимча узунлик, айлана ҳамда диаметрал соматометрик кўрсаткичларининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва аниқлашга, шунингдек, уларнинг физиометрик ва соматоскопик параметрларини баҳолашга бағишланган.

Республикада болалар 20 дан ортиқ якка кураш тури билан шуғулланишлари аниқланган. Энг кенг тарқалган якка кураш турлари орасида кураш (39,3%) ва бокс (16,9%) етакчилик қилмоқда. Соматометрик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврда тана вазнининг ўсиши бўй ўсишига нисбатан 3 баробар юқори бўлган (27,8 кг ёки 83,8% га нисбатан 37,0 см ёки 26,7%). Асосий гуруҳдаги ўғил болаларда тана вазни ва бўйи, шунингдек тана вазни индекси (ТВИ) кўрсаткичларининг ўртача қийматлари барча ёш гуруҳларида пастроқ эканлиги аниқланган ($P < 0,05-0,001$) (1-жадвал). Ўғил болаларнинг асосий гуруҳида тана узунлиги ва вазнининг энг юқори ўсиши 15 ёшдан 16 ёшгача кузатилган бўлса, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 11-12 ёшда қайд этилган. WAZ, HAZ ва BAZ бўй-вазн индексларини ёшга қараб таҳлил қилиш натижасида шу аниқландики, асосий гуруҳдаги ўғил болаларда назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан ортиқча тана вазни ва семизлик (32,1 га нисбатан 41,1%), баланд бўй (32,1 га нисбатан 41,3%) ва юқори даражада овқатланиш (25,1 га нисбатан 28,7%) ҳолатлари камроқ қайд этилган. Шу билан бирга, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан тана вазнининг етишмаслиги ва тана вазни танқислиги (WAZ), шунингдек, ўртачадан паст бўй ва паст бўйлик (HAZ) кўпроқ учраганлиги кузатилган (18,5 га нисбатан 11,6% га ва 14,7 га нисбатан 6,5%, мос равишда). Асосий гуруҳдаги ўғил болалар назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан 9 та қўшимча узунлик кўрсаткичларидан 4 таси (гавда, оёқ, сон ва болдир узунлиги) бўйича юқори натижаларни, 5 таси (қўл, елка, билак, қўл ва оёқ кафтининг узунлиги) бўйича эса паст натижаларни кўрсатгани аниқланган ($P < 0,05-0,001$). Асосий гуруҳидаги ўғил болаларда кўп қўшимча узунлик кўрсаткичларининг максимал ўсиш даражаси 15 ёшдан 16 ёшгача кузатилган бўлса, назорат гуруҳида бу жараён бир йил олдинроқ, яъни 14-15 ёшда содир бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра, бош ва кўкрак қафасининг 7 та ўрганилган диаметрал кўрсаткичлари (кўндаланг ва бўйлама), елка, чанок ва сон-чанок диаметри назорат гуруҳида асосий гуруҳга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган ($P < 0,05-0,001$). Аксарият ёш гуруҳларида ўрганилган 9 та айлана

кўрсаткичларидан 7 таси асосий гуруҳда (тинч ҳолатда, нафас олиш ва чиқаришда КҚА, тинч ҳолатда ва кучланишда елка айланаси, сон ва болдир айланаси) ва 2 таси назорат гуруҳида (бош ва қорин айланаси) сезиларли даражада юқори бўлган ($P<0,05-0,001$).

1-жадвал

Ўсмир ўғил болаларнинг тана вазни ва бўйи, тана вазни индексини қиёсий баҳолаш

Ёш, йил	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи		P
	M	±m	M	±m	
тана вазни, кг					
10	31,6	0,53	34,8	0,81	0,001
11	35,3	0,62	35,4	0,56	-
12	40,1	0,73	42,5	0,87	0,001
13	45,3	0,90	46,7	0,90	0,01
14	48,0	0,73	50,6	0,84	0,001
15	51,2	0,74	56,1	0,91	0,001
16	58,3	0,81	60,2	0,90	0,01
17	59,3	0,61	62,6	0,90	0,001
бўй узунлиги, см					
10	137,6	0,69	139,2	0,61	0,05
11	142,6	1,32	143,9	0,52	0,01
12	148,6	0,69	150,7	0,76	0,01
13	154,9	0,78	158,7	0,85	0,001
14	160,2	0,74	164,6	0,62	0,001
15	164,5	0,96	169,6	0,69	0,001
16	172,7	0,74	173,9	0,53	0,05
17	174,5	0,66	176,2	0,61	0,05
ИМТ, кг/м ²					
10	16,7	1,24	17,9	1,29	0,01
11	17,0	1,25	17,1	1,26	-
12	18,2	1,28	18,7	1,31	0,05
13	18,9	1,30	18,5	1,30	-
14	18,7	1,30	18,7	1,31	-
15	18,9	1,30	19,5	1,33	0,05
16	19,5	1,32	19,9	1,34	0,05
17	19,5	1,32	20,2	1,35	0,05

Максимал нафас олиш ва чиқаришдаги КҚА кўрсаткичлари фарқи (кўкрак қафаси экскурсияси), шунингдек, тинч ҳолатда ва зўриқиш пайтидаги елка мушакларининг айланаси кўрсаткичларининг фарқи асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлган (7,6 см га нисбатан 6,2 см ва 1,6 см ҳамда 1,2 см, мос равишда). Ёғ бурмалари кўрсаткичлари асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст бўлган ($P<0,05-0,001$). 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврда кўкрак соҳасидаги ёғ бурмаларининг қалинлиги 13,3% га, қоринда 17,8% га ва орқада 26,8% га ошган. Ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), етакчи қўлнинг мушак кучи ва чидамлилиги, шунингдек, бел мушаклари кучи кўрсаткичлари яққакураш билан шуғулланувчи ўғил болаларда сезиларли даражада юқори эканлиги

аниқланган ($P < 0,05-0,001$). Кузатув гуруҳидан қатъий, ўғил болаларда ЎТС ва бел кучининг энг юқори ўсиши 13-14 ёшда қайд этилган; кўл мушаклари кучининг энг юқори ўсиши бундан бир йил кейин, етакчи кўл мушак чидамлилигининг энг юқори ўсиши эса икки йил кейин, яъни мос равишда 14-15 ва 15-16 ёшларда кузатилган. Соматоскопик кўрсаткичларнинг қиёсий баҳоланиши натижасида маълум бўлдики, асосий гуруҳдаги ўғил болалар орасида Х-симон шаклда оёқлар сони назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баравар камроқ (5,6 га нисбатан 8,5%), оёқлари О-симон шаклда бўлган болалар сони эса, аксинча, 1,6 баравар кўпроқ (25,2 га нисбатан 16,1%), «этикдўз кўкраги» 1,8 баравар кўпроқ (6,0 га нисбатан 3,4%), «товуқ кўкраги» 1,2 баравар кўпроқ (11,9 га нисбатан 10,2%) кузатилган, ясси оёқлик эса 1,4 баравар камроқ (13,3 га нисбатан 18,7%) кузатилган.

Диссертациянинг **«Яккакураш билан шуғулланувчи ва спорт билан шуғулланмайдиган ўғил болаларнинг жинсий етилиш хусусиятлари»** номли тўртинчи боби асосий ва назорат гуруҳларидаги ўғил болаларнинг бирламчи ва иккиламчи жинсий белгилари ривожланишини қиёсий баҳолашга, шунингдек, жинсий етилишнинг бошланиши, ўртача ёши ва туғаш кетма-кетлиги ҳамда муддатларини аниқлашга бағишланган.

